

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг насиҳатлари

21:43 / 21.04.2017 2754

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг насиҳатлари

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳуга мактуб ёздилар: “Аммо баъд: Албатта, инсонларнинг султонларига нисбатан нафратлари бўлади. Бу нарса менга ва сенга етишидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман. Бир лаҳза бўлса ҳам (яъни бир лаҳза волийлик қилсанг ҳам) шариат ҳукмларини ўрнат. Сенга икки иш рўбарў келиб, бири Аллоҳ учун, икинчиси эса дунё учун бўлса, Аллоҳдан бўлган насибангни устун қўй. Чунки дунё ўткинчи, охират эса боқийдир. Фосиқларни қўрқитгин ва уларнинг орасини ажратиб, алоҳида-алоҳида қилиб қўй (яъни ёмонликда бирлашиб олмасликлари учун). Мусулмонларнинг касалларини бориб зиёрат қил. Уларнинг жанозаларида қатнаш. Уларга эшигингни очиб қўй. Уларнинг ишларига бевосита ўзинг аралашиб юр. Чунки сен ҳам улардан бирсан. Лекин Аллоҳ азза ва жалла уларга нисбатан сени масъулиятлироқ қилган. Менга келган хабарларга кўра, сен ва аҳли оилангнинг кийими, таоми ва уловида бошқа мусулмонларда йўқ нарсалар пайдо бўлибди. Эй Аллоҳнинг бандаси, унумдор водийдан ўтиб кетаётган ҳайвонга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўл! Чунки ҳайвоннинг мақсади еб-ичиб, семиришдан ўзга нарса эмасдир. Ҳолбуки, унинг ўлими ҳам семиришдадир. Билки, агар раҳбар адашса, қўл остидагилар ҳам адашади. Қўл остидагиларнинг бахтсиз бўлишига сабаб бўлган инсон энг бахтсиз инсондир!”

Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси